

КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Саъдулла Баратов,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали
таянч докторанти, Самарқанд, Ўзбекистон. Email: s-baratov@mail.ru
ORCID:0009-0008-7162-5266*

ANALYSIS OF FACTORS AFFECTING POVERTY AND ITS REDUCTION

Sadulla Baratov,

*Doctoral student of the Samarkand branch of the Tashkent State University of Economics
Samarkand, Uzbekistan. Email: s-baratov@mail.ru,
ORCID:0009-0008-7162-5266*

JEL Classification: M1, M4, M49

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда камбағалликнинг келиб чиқиши сабаблари ва уни қисқартириши борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили келтириб ўтилган. Камбағалликнинг сабаблари турли даврлар ва ҳудудларда турлича бўлиб уларни бартараф этишнинг қисқа ва узоқ муддатли чоралари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ҳамда чоралар кўрилган. Бугунги кунда асосий эътибор ишсизликни қисқартириши ҳамда аҳолини кафолатли даромад билан таъминлашга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Аҳоли даромадлари кўрсаткичи бир томондан камбағалликни аниқлаш кўрсаткичи бўлса бошқа томондан камбағалликка қарши курашишнинг натижаларини ҳам ўзида акс эттиради. Шу маънода аҳоли даромадлари кўрсаткичи тўлов қобилиятининг асоси яъни камбағаллик чегараси этиб белгиланган барча турдаги товар, иш ва хизматлар харидининг манбаи сифатида қаралса унинг камбағалликни аниқлаш кўрсаткичи сифатидаги хусусияти намойён бўлади.

Abstract: *This article analyzes the causes of poverty in our country and the work being done to reduce it. The causes of*

poverty are different in different periods and regions, and many studies and measures have been taken on short and long-term measures to eliminate them. Today, we can see that the main focus is on reducing unemployment and providing the population with a guaranteed income. The population income indicator, on the one hand, is an indicator of determining poverty, and on the other hand, it also reflects the results of fighting against poverty. In this sense, if the population's income indicator is considered as the source of purchasing all kinds of goods, work and services defined as the basis of the ability to pay, that is, the poverty line, then its feature as an indicator of poverty is revealed.

Калим сўзлар: *камбағаллик, аҳоли даромадлари, ишсизлик, ижтимоий ёрдам, умумий ва реал даромадлар, пандемия, иқтисодиёт.*

Keywords: *poverty, population income, unemployment, social assistance, total and real income, pandemic, economy.*

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда камбағаллик ва ижтимоий ҳимояга нисбатан ёндашувлар замонавий руҳ касб эта бошлаганидан сўнг ўзбек илмий тадқиқотларида ҳам атрофлича илмий хулосалар шакллана бошлаганлигини кузатиш мумкин. Ушбу

категорияга нисбатан Ўзбекистонда расмий равишда биринчи марта 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан муносабат билдирилди. Унда қуйидагича фикрлар келтирилди: “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатлами мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра улар 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммо ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “...иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади[2]. Шундай экан, камбағаллик муаммосини тадқиқ этиш ва вужудга келиш сабабларини аниқлаш келгусида мазкур муаммони ўз вақтида амалий ҳаётда бартараф этилишига ҳамда аниқ

дастурамал чораларни кўриш имконини беради.

Материал ва метод. Қайд этиш лозим, 2019 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотини қўлга киритган А.Банержи, Э.Дюфло ва М.Крамер ўзларининг тадқиқотларида камбағалликка қарши курашнинг натижаларини таҳлил этишган. Уларнинг хулосаларига кўра, таълим ва тиббий хизматларнинг барқарор бўлиши аҳоли орасида камбағалликни олдиндан бартараф этиш имконини беришини исботлаган ва кўплаб давлатларнинг амалга оширган ислохотларини баҳолаб беришган[3].

Англиялик олим Т.Мальтуснинг назариясига мувофиқ аҳоли даромадлари ва сонининг тескари пропорционал бўлишини асослашга уринган. Унинг фикрича, кам даромадли аҳоли қатламини турли хайрия ишларини амалга ошириш орқали камбағалликдан чиқариш имконсиз эканлигини қайд этиб ўтади [4]. Бу эса, бир марталик молиявий чоралар камбағалликни қисқартиришда тўлақонли восита бўлишини таъминламаслигини кўрсатиб беради.

Хорижлик олимлар билан бир қаторда ўзбекистонлик олим-тадқиқотчилар ҳам ўзларининг илмий изланишлари натижаларини шакллантиришга муваффақ бўлишган. Улар тўғридан-тўғри камбағалликни қисқартириш омилига эътибор қаратишмаган бўлсада, ижтимоий ҳимоянинг қайд этиб ўтилган моделларидан бирини акс эттирувчи илмий хулосаларни шакллантиришган.

Проф. Д.Рахмонов ўзининг илмий мақоласида камбағалликни бартараф этишда узоқ муддатли бўлган ислохотларни илгари суради. Шунингдек, мамлакатда миллий даромадни рационал

тақсимлаш методига эътибор қаратиш билан эришиш мумкинлигини асослайди. Камбағалликка қарши курашда таълим ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларини давлат бюджетидан молиялаштириш заруратини кўрсатиб ўтади [5].

Проф. Р.Хасанов эса, камбағалликка қарши курашнинг моддий ёрдам шаклидан кўра, аҳолини касб-хунарга ўргатиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади. Камбағалликнинг турли хил сабабларини инобатга олган ҳолда инсонлар ўзларининг моддий муаммоларини ўзлари мустақил ҳал эта олишлари муҳимлигини таъкидлаб ўтади [6]. Ушбу ёндашув институционал йўналишни ўзида намоён этиб, ижтимоий ҳимояни амалга оширишда ягона методнинг мавжуд эмаслигини изохлашга ёрдам беради.

Б.Бахтиёров “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик rischi мавжуд бўлган аҳоли гуруҳлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртача иш ҳақининг 40-59 фоизида тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари ҳисобланади. Бунда давлат томонидан аҳолининг ушбу ижтимоий гуруҳларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртача иш ҳақиға нисбатан 60 фоиз миқдорига тенглаштириш учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиш талаб этилади”[7] деб таъкидлаб ўтади.

М.Мирзамахмудова аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда уларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Истеъмолнинг минимал харажатларига нисбатан ўзининг

ёндашувини асослаб берган. Уй хўжаликларининг харажатларида озиқ-овқат харажатлари улуши оиланинг камбағаллик даражаси билан тўғри пропорционал деган ғояни асослашга уринган[8].

Натижалар.

Мамлакатимизда камбағаллик мавжудлиги эътироф этилгандан сўнг уни қисқартириш бўйича кенг кўламли ишлар бошланган ва давом эттирилмоқда.

Бизнингча, камбағалликни қисқартириш аввало унинг сабабларини аниқлашдан бошланади. Камбағалликнинг сабаблари турли даврлар ва ҳудудларда турлича бўлиб уларни бартараф этишнинг қисқа ва узоқ муддатли чоралари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ҳамда чоралар кўрилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлиги эътироф этилган.

Шунингдек, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”даги мақсадлардан бири сифатида (85-мақсад) “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали

2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш" белгиланган[9].

Мазкур вазифани бажариш учун қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб олинган:

1. Норасмий ишлаётган 450 минг нафар фуқарони бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш;

2. Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 80 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш;

3. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

4. Худудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар,

аёллар ва ёшларнинг ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликни қайта тикланиш хавфини бартараф этиш;

5. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш.

Стратегияда белгиланган йўналишлар ҳамда вазифаларни таҳлил қилиб асосий эътибор ишсизликни қисқартириш ҳамда аҳолини кафолатли даромад билан таъминлашга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, ишсизликни қисқартиришдан кўзланган асосий мақсад аҳоли даромадларини таъминлаш ва оширишдир. Шунинг учун ҳам бизнингча аввало Ўзбекистонда аҳоли даромадлари даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот[10]

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Аҳоли умумий даромадлари, трлн.сўм	236,9	300,8	365,7	415,1	519,2	634,8
ўтган йилга нисбатан, % да	119,7	127,0	121,6	113,5	125,1	122,3
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, млн. сўм	7,3	9,1	10,9	12,1	14,8	17,8
ўтган йилга нисбатан, % да	117,7	124,8	119,3	111,3	122,7	119,8
Аҳоли реал умумий даромадлари, трлн. сўм	216,4	256,0	319,3	367,6	468,5	569,6
ўтган йилга нисбатан, % да	109,3	108,1	106,1	100,5	112,9	109,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, млн. сўм	6,7	7,8	9,5	10,7	13,4	15,9
ўтган йилга нисбатан, % да	107,5	106,2	104,2	98,6	110,7	107,5

1-жадвал маълумотлари бизга 2017-2022 йилларда Ўзбекистонда аҳоли

даромадларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш имконини беради.

Фикримизча, аҳоли даромадлари кўрсаткичи бир томондан камбағалликни аниқлаш кўрсаткичи бўлса бошқа томондан камбағалликка қарши курашишнинг натижаларини ҳам ўзида акс эттиради. Шу маънода аҳоли даромадлари кўрсаткичи тўлов қобилиятининг асоси яъни камбағаллик чегараси этиб белгиланган барча турдаги товар, иш ва хизматлар харидининг манбаи сифатида қаралса унинг камбағалликни аниқлаш кўрсаткичи сифатидаги хусусияти намоён бўлади. Бошқа томондан олиб қаралса, даромадлар миқдорининг ортиши камбағалликни қисқартиришга унинг камайиши эса камбағаллик даражасининг ортишига сабаб бўлади. Бунда аҳоли даромадлари ортишининг камбағалликка қарши курашиш бўйича асосий мезон сифатидаги хусусияти намоён бўлади.

1-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак 2017-2021 йилларда аҳолининг умумий даромадлари икки баробарга ўсиб, 2021 йилда 519,2 трлн сўмни ташкил этган. 2022 йил якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 634,8 трлн сўмга етган.

Ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак 2017-2019 йилларда аҳолининг умумий даромадларидаги ўсиш 20 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 113,5 фоизга ўсган. Бунинг асосий сабаби сифатида юз берган пандемияни кўрсатишимиз мумкин. Бизнингча, 2020 йилда аҳоли даромадларидаги ўсиш олдинги йилларга нисбатан пастроқ бўлган бўлсада ўсишни сақлаб қолинганлигини катта ютуқ сифатида баҳолаш лозим. Шу билан бирга, аҳолининг умумий даромадлари 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 125,1 фоизга ўсиб аввалги ўсиш тенденциясига қайтган. 2022 йил давомида ҳам ўсиш

122,3 фоизни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадларида ўсиш суръати барқарорлиги таъминланганлигини кузатишимиз мумкин.

Бизнингча, аҳолининг умумий даромадларидаги ўсиш кўрсаткичи бевосита аҳоли сонига ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, умумий даромадларнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўзгаришларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Аҳоли жон бошига умумий даромадларда ҳам аҳолининг умумий даромадлари каби ўсиш кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилда 7,3 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 17,8 млн сўмга ёки 2017 йилга нисбатан икки баробдан ортиқроққа ортган. Мазкур ҳолатни ижобий баҳолаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки аҳоли сонига олганда ҳам аҳолининг умумий даромадлари ўсишини таъминланганлиги камбағалликни қисқартириш сиёсатининг тўғри олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Чунки аҳоли даромадларининг ортиши ялпи талабни оширади ва бу охир оқибат мамлакат миқёсида товар, иш ва хизматларга бўлган талабни ортишига олиб келади. Ялпи талабнинг аҳолининг умумий даромадлари ортиши жараёнида доимий ўсиши эса тадбиркорлик муҳитини яхшиланишига олиб келади ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлайди.


Иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи-назардан ҳам аҳоли умумий даромадларининг ўсиши ижобий ҳолат ҳисоблансада унинг реал ўсишини таҳлил қилиш ҳолатга янада объектив баҳо беришга ёрдам беради.

1-жадвалда келтирилганидек аҳоли реал умумий даромадлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга. Жумладан,

2017 йилда аҳоли реал умумий даромадлари 216,4 трлн сўмни ташкил қилган бўлса бу кўрсаткич 2022 йилда 569,6 трлн сўмга етган ёки 2017 йилга нисбатан 263,2 фоизга ортган.

Шундай бўлсада аҳолининг умумий ва реал даромадларида фарқ мавжуд бўлиб, буни инфляция даражаси билан изоҳлаш мумкин. Статистика қўмитаси

томонидан аҳолининг реал умумий даромадларини аниқлашда инфляция кўрсаткичининг асосий турларидан бири бўлган истеъмол нархлари индексида фойдаланиши келтирилган[11]. Яъни реал даромадларни ҳисоблашда номинал даромадлар кўрсаткичидан истеъмол нархлари индекси чегириб ташланади.



1-расм. Аҳолининг умумий ва реал даромадларидаги фарқ трлн сўмда[12]

1-расмдан кўришимиз мумкинки аҳолининг умумий ва реал даромадларидаги фарқ миқдор жиҳатидан ўсиб борган бўлсада фоиз жиҳатидан нобарқарор ўзгарган. Жумладан, 2017 йилда умумий ва реал даромадлардаги фарқ миқдор жиҳатидан 20,5 трлн сўмни ташкил қилган ва бу фоиз жиҳатидан реал даромадлар умумий даромадлардан 8,7 фоизга кам бўлган бўлса бу ҳолат 2018 йилда мос равишда 44,9 трлн сўм ёки 15 фоиз, 2019 йилда 46,4 трлн сўм ёки 12,7 фоиз, 2020 йилда 47,5 трлн сўм ёки 11,4 фоиз ҳамда 2022 йилда 65,2 трлн сўм ёки 10,3 фоизни ташкил қилган. Бундан кўришимиз мумкинки аҳолининг умумий ва реал даромадларидаги фарқ миқдор жиҳатидан сезиларсиз ортаётган бўлсада фоиз жиҳатидан камайиб бориш

тенденциясини кўрсатмоқда ва бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади.

Аҳолининг умумий ва реал даромадларидаги фарқ аҳоли жон бошига реал умумий даромадларга ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиб, 2017 йилда бу кўрсаткич 6,7 млн сўмни (умумий даромадлар 7,3 млн сўм) ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 15,9 млн сўмни (умумий даромадлар 17,8 млн сўм) ташкил қилмоқда.

Умуман олганда аҳоли даромадларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки барқарор ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда ва мазкур ўсиш кучини камайтирадиган бошқа омиллар таъсири камайиб бормоқда. Шу билан бирга мамлакатимизнинг турли шароитлардаги ҳудудлардан иборат эканлиги даромадларнинг ҳудудлар

кесимида таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатади.

Чунки даромадлар ҳар бир ҳудуднинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб шаклланади ва уларни таркибан яхшилаш, юқори даражадаги қиймат яратиш орқали даромадлар барқарорлигини ошириш ҳам ҳудудларнинг ўзига хосликлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ҳудудининг турли даражада ривожланганлиги барча бошқа мамлакатларга хос бўлиб, бунинг натижасида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлардаги фарқлар юзага келишини 2-жадвалдан кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар тўғрисида маълумот млн. сўмда[13]

Ҳудудлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ўзбекистон Республикаси	7,3	9,1	10,9	12,1	14,8	17,8
Қорақалпоғистон Республикаси	5,2	6,8	8,1	9,4	11,4	13,3
Андижон	6,8	8,4	9,9	10,8	12,9	15,7
Бухоро	8,8	11,3	13,1	14,7	17,8	21,4
Жиззах	6,5	8,5	9,7	10,9	13,2	15,2
Қашқадарё	6,4	7,8	9,1	10,2	12,3	14,7
Навоий	11,1	13,9	16,9	19,9	24,2	27,4
Наманган	5,7	6,9	8,3	9,3	11,3	13,9
Самарқанд	6,6	8,1	9,4	10,5	12,9	15,5
Сурхондарё	5,9	7,6	8,9	9,7	11,9	14,6
Сирдарё	6,8	8,4	10,0	10,9	12,7	15,1
Тошкент	7,7	9,4	11,3	13,1	16,3	18,1
Фарғона	5,6	7,1	8,1	8,9	10,9	13,6
Хоразм	7,2	9,5	11,2	12,3	15,5	19,6
Тошкент.ш	14,9	18,4	23,7	25,5	30,2	37,5

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки 2017-2021 йилларда шу жумладан 2022 йил давомида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар бўйича республика ўртача кўрсаткичидан юқори кўрсаткич Бухоро, Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида кузатилган. Бунда Тошкент шаҳридаги аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар кўрсаткичи республика ўртача кўрсаткичидан икки баробарга юқори бўлса, Навоий вилоятида 1,5 баробарга,

Бухоро вилояти кўрсаткичи эса 1,2 баробарга юқори.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар бўйича республика ўртача кўрсаткичидан энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилоятида кузатилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятларида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар кўрсаткичи Ўзбекистон республикаси ўртача кўрсаткичининг 70-77 фоизини ташкил қилмоқда.

Шундай бўлсада 2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2017-2022 йилларда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига реал умумий даромадларда ўсиб бориш тенденциясига эга.

Мунозара. Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ўсиб бораётган бўлсада ҳудудлар кесимидаги ўсиш турлича ривожланмоқда. Фикримизча аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳудудлар кесимида турлича ўзгариши уларда камбағаллик даражасининг турлича шаклланишинига асосий сабаблардан биридир.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларни ошириш камбағалликни қисқартиришда асосий аҳамиятга эга бўлганлиги учун унинг барқарор ўсиши ҳамда ҳудудлар кесимида ҳам бир хилда тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар миқдори ҳудудлар кесимида бир хилда ёки нисбатан бир-бирига яқин эмаслиги ички миграция, малакали мутахассисларнинг нисбатан юқори даромад олиш имкони бўлган ҳудудларга тўпланиши натижасида бошқа ҳудудларда малакали мутахассислар билан таъминлаш мураккаблашиши каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунда яна бир асосий жиҳат даромадларнинг таркиби ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг таҳлилларига кўра[14] ривожланган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги камида бир нафар аъзоси бор уй хўжаликларининг асосий даромад манбаи иш ҳақи ҳисобланади. Бунда солиқдан олдинги умумий даромадларнинг 70-80 фоизи иш ҳақига тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда эса иш ҳақи улуши бирмунча камроқ бўлиб, масалан Аргентина ёки Бразилияда 50-60 фоиз, Перуда тахминан 40 фоиз бўлса Вьетнамда 30 фоизгача.

Шу сабабли Халқаро меҳнат ташкилотининг фикрича иш ҳақини ошириш камбағалликка қарши курашиш стратегиясининг бир қисми ҳисобланади.

Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда аҳолининг умумий даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар улуши юқори бўлиб, у 2017 йилда 77,4 фоизни ташкил қилган бўлса 2021 йилга келиб унинг улуши 71,5 фоизгача яъни қарийб 6 фоизга пасайган. Трансфертлардан олинган даромадлар эса аксинча унинг аҳоли умумий даромадлардаги улуши 2017 йилда 19,4 фоизни ташкил қилган бўлса 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 26,2 фоизга етган ва қарийб 7 фоизга ортган. Шу билан бирга 2022 йил давомида ҳам трансфертлардан олинган даромадлар 29,8 фоизни ташкил этган ҳолда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган[15].

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли даромадлари таркибидаги трансфертларнинг 35,9 фоизи ижтимоий трансфертлар қолган 64,1 фоизи эса бошқа жорий трансфертлардан иборат. Ижтимоий трансфертлар таркибига мурожаат қиладиган бўлсак, уларнинг 71,8 фоизи пенсиялар, 26,5 фоизи нафақалар ҳамда 1,7 фоизи стипендияларни ташкил этмоқда. 2021 йилнинг мос даврига таққослаганда пенсиялар 123,8 фоизга, нафақалар 181,4 фоизга ва стипендиялар 145,2 фоизга ўсган[16].

Камбағалликни келтириб чиқарувчи яна бир омиллар сифатида ишсизлик ва аҳоли даромадлари категорияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, профессорлар Н.Жумаев ва Д.Рахмоновлар томонидан Жаҳон банкининг камбағалликни аниқлаш бўйича фаолияти ўрганилган бўлиб [18],



унга кўра кунлик даромад ҳажмига нисбатан мезон сифатида миллий даромаднинг киши бошига кунлик тўғри келиши ҳажми куйидагича белгиланган:

- халқаро камбағаллик чизиғи 1,9 АҚШ доллари;

- ўртача даромаддан паст (2020 йил учун киши бошига ЯИМ 1026-3995 АҚШ доллар) бўлган мамлакат учун 3,2 АҚШ доллари;

- ўртача даромаддан юқори (2020 йил учун киши бошига ЯИМ 3995-12375 АҚШ доллар) бўлган мамлакат учун 5,5 АҚШ доллари.

Профессорлар томонидан Ўзбекистон учун ўртача даромаддан паст даромадга эга бўлган мамлакат сифатида 3,2 АҚШ доллари тавсия этилган. Мазкур шкаладан келиб чиқиб, ҳисоблайдиган бўлсак бугунги кунда аҳоли жон бошига 12,8 млн.сўм $(3,2 \cdot 365 \cdot 11000)$ миқдордаги даромад камбағаллик чегараси сифатида келтириш мумкин бўлади.

Хулоса. Юқоридан қилинган таҳлил натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, аҳолининг даромадлари ўсиб бораётган бўлсада у аксарият ҳудудларда Жаҳон банкининг камбағаллик чегараси даражасида қолмоқда.

Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги ўзгаришларда эътибор

берилиши лозим бўлган асосий жиҳат даромадларнинг ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар каби барқарор манбалари улушининг камайиши ва трансфертлар каби нобарқарор манбаларида ўсиш кузатилганлигидир. Мазкур ҳолат мамлакатимизда нафақат аҳоли умумий даромадларини ошириш балки унинг таркибини диверсификация қилиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Чунки аҳоли даромадлари таркибининг диверсификация қилиниши даромадлар барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда маълум даврда аҳолининг айрим қатламларини камбағаллик даражасига тушиб қолмаслигини таъминлайди.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун умумий даромадлар таркибида биринчи навбатда ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар улуши ортиб бориши керак. Чунки ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар нафақат барқарор даромад манбаси балки иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери ҳамдир. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш орқали бюджет даромадларини ортишига хизмат қилади. Бюджет даромадларининг ортиши бюджет сиёсати орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш имконини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Uz.а Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
3. Press release: The Prize in Economic Sciences 2019 <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/>



4. Щеголевский В.А. Глобальный демографический кризис с позиций теории Т.Мальтуса и неомальтузиенцев. Journal of economic history and history of economics. 2016, vol. 17, no. 2, pp.278-296. ISSN-2308-2488
5. Жумаев Н., Рахмонов Д., Камбағаллик – макроиктисодий барқарорликнинг долзарб муаммоси//Молия ва банк иши илмий электрон журнали. -Т., БМА. - 2020 йил, 2-сон. Б. 238-248, 252-260.
6. Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020й. <http://review.uz>
7. Бахтиёр Б. Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т., ЎЗМУ., 2020 й. – 55 б.
8. Мирзамахмудова М.О. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т., ЎЗМУ., 2022 й. – 58 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони
10. Статистика қўмитаси маълумотлари. Интернет манба: www.stat.uz., Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март
11. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари. 2022 йил бўйича дастлабки маълумотлар”. Интернет манба: www.stat.uz., Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март
12. Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
13. Статистика қўмитаси маълумотлари Интернет манба: www.stat.uz., Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март
14. Влияние на доходы домохозяйств и уровень бедности” Интернет манба: Халқаро меҳнат ташкилоти <https://www.ilo.org/>
15. Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.
16. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари. 2022 йилнинг январ-сентябр ойлари бўйича дастлабки маълумотлар” асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.
17. Тогаев, С. (2016). Iqtisodiy nochor korxonalarini sog'lomlashtirishda bank xizmatlari.
18. Жумаев Н., Рахмонов Д., Камбағаллик – макроиктисодий барқарорликнинг долзарб муаммоси//Молия ва банк иши илмий электрон журнали. -Т., БМА. - 2020 йил, 2-сон. Б. 252-260.